ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM/T65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ КАМОЛАДДИН БАХОДИРОВИЧ

ИШҚОР ГАЛОГЕНЛИ 2,6-ДИМЕТИЛПИРИДИН – СУВ СИСТЕМАСИДА ФАЗАВИЙ ЎТИШ ЯҚИНИДАГИ КРИТИК ҲОДИСАЛАР

01.04.03 – Молекуляр физика ва иссиқлик физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

УДК: 534.8

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Эгамбердиев Камоладдин Баходирович
Ишқор галогенли 2,6-диметилпиридин – сув системасида фазавий ўтиш яқинидаги критик ҳодисалар ……..... 3

Эгамбердиев Камоладдин Баходирович
Критические явления вблизи фазовых переходов в системе 2,6-диметилпиридин – вода с щелочными галогенидами …… 19

Egamberdiev Kamoladdin Bakhodirovich
Critical phenomena near phase transition in 2,6-dimethylpyridine – water system with alkali halides ……..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……..……. 39

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM/T65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ КАМОЛАДДИН БАХОДИРОВИЧ

ИШҚОР ГАЛОГЕНЛИ 2,6-ДИМЕТИЛПИРИДИН – СУВ СИСТЕМАСИДА ФАЗАВИЙ ЎТИШ ЯҚИНИДАГИ КРИТИК ҲОДИСАЛАР

01.04.03 – Молекуляр физика ва иссиқлик физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/FM128 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iplt.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Мирзаев Сирожиддин Зайниевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Отажонов Шавкат** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Клычев Шавкат Исхакович техника фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.FM/T65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «____»_____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (+99871) 262-32-54, email: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (+99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___»_____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Х.Б. Ашуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Т. Усманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

С.А. Бахрамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда фазавий ўзгариш жараёнлари билан боғлиқ фундаментал ва амалий муаммоларнинг ечимини топишга ва жадал суратда ривожланиб бораётган нанотехнология, биомуҳандислик, тиббиёт ва фармацевтикада кенг қўлланилувчи комплекс суюқликларда кузатилувчи критик ҳодисаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўп функцияли супрамолекуляр структуралар олиш тиббиётда тирик организмларга дори воситаларини зарур жойга самарали етказишдан тортиб мураккаб нано ўлчамдаги қурилмаларни бошқариш имкониятигача бўлган илмий муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилади. Акустик майдонларда босим ва температуранинг даврий ўзгариши ҳамда уларнинг концентрация флуктуацияга таъсири, динамик критик ҳодисалар устида тадқиқот олиб бориш имкониятини яратади. Критик нуқта яқинида спонтан ҳолатда критик флуктуациялар ўсиши ва парчаланиши орқали юзага келадиган структураларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ релаксацион жараёнларнинг кинетик хусусиятларини аниқлаш кўп компонентли эритмалар иссиқлик ва молекуляр физикасининг ўта долзарб масалалари ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда моддаларнинг суюқ ҳолатини тадқиқ қилишда ниҳоятда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга молик суюқ фазада кечадиган жуда тез содир бўлувчи физикавий ва кимёвий жараёнлар кинетикасини тадқиқ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Баъзи ҳолларда ультратовуш ёрдамида олиб бориладиган тадқиқот усули кинетик ва термодинамик параметрларини аниқлаш имконини берувчи ягона усул ҳисобланади. Бироқ ўрганилаётган жараёнларнинг кинетикаси ҳақида тўлиқ илмий маълумот олиш учун етарли даражада кенг частоталар ва температуралар диапазонида акустик тўлқинларнинг тарқалишини тадқиқ қилиш талаб этилади. Ҳозирги кунга қадар ушбу изланишлар кўп ҳолларда катта бўлмаган частоталар диапазонида ва тор соҳадаги температураларда олиб борилган. Ушбу илмий муаммолар суюқ эритмаларда критик ҳодисалар механизмларини тушуниш ва сувли эритмада иккинчи тур фазавий ўтиш яқинида критик ҳодисаларнинг умумий илмий манзарасини яратишда устувор аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда амалий аҳамиятга эга бўлган фан соҳасидаги долзарб йўналишлар, хусусан, суюқ тизимлар структураси бўйича кўп илмий материаллар тўплаш ва структуралар ҳосил бўлишининг асосий қонуниятларини аниқлашга ҳамда критик нуқта яқинида молекуляр ассоциацияларнинг ҳосил бўлиш ва парчаланиш релаксация вақтларининг сезиларли даражада секинлашиши билан боғлиқ янги ҳодисаларни аниқлашга эътибор кучаймоқда. Бу фундаментал тадқиқотлар ва йўналишлар мамлакатимиз илм-фанининг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг амалий тадбиғи 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1] акс эттирилган.

[1] 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли хорижий илмий марказлар томонидан сувли эритмаларда содир бўладиган релаксацион ҳодисалар кинетикаси ва критик нуқта яқинидаги фазавий ўтиш жараёнлари акустик ва реологик хусусиятлари бўйича муҳим тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу йўналишларда хорижлик олимлар, жумладан: россиялик (М.А.Анисимов, Ю.С.Манучаров, И.Г.Михайлов, М.И. Шахпаронов, А.З. Паташинский, Ю.П. Соловьев, М.Ф. Вукс), германялик (Ф. Эггерс, У.Шрайбер, У.Каатце, Х. Вайнгартнер, В. Шроер, Х. Климаер), америкалик (Х.Е. Стенли, Ж. Якобс, Ж.В. Сенгерс, К.Ж. Вилсон, К.Д. Коллинс, Р.А. Феррелл), япониялик (К. Кавасаки, К. Хумано, И. Митсушима, К. Кубота, Х. Танака, О. Онуки), хиндистонлик (Ж.К. Бхаттачаржи, А. Кумар, Р. Чандрасекхар, Н. Нарайан) ва бошқалар изланишлар олиб боришган ҳамда мамлакатимиз олимлари (П.К.Хабибуллаев, С.З.Мирзаев, М.Г.Халиулин) бу соҳада муҳим аҳамиятли натижаларни қўлга киритишган.

Бу тадқиқот натижалари фазавий ўтиш яқинида ультратовуш ютилиш механизмларини тавсифлашдаги янги назариялар яратишда, критик нуқта яқинида эритмаларнинг термодинамик хусусиятларини аниқлашда, кимёвий релаксация тезлигини бошқаришда ва наностуктурали материаллар олиш жараёнларини оптималлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Маълумки, барча иккинчи тур фазавий ўтишларнинг умумий хусусияти, бу – ўзаро таъсирнинг турли микроскопик табиатига эга системалар хусусиятларининг фазавий ўтишлар нуқтаси яқинида физик хусусиятларнинг бир хиллигига ва универсаллигига олиб келувчи сабаб, ўзаро таъсирлашувчи аномал ўсувчи флуктуациядир. Кинетик хусусиятларнинг флуктуация назарияси натижалари кўп холларда, сўнги олинган тажриба натижаларига мувофиқ эмас. Уларни мувофиқлаштириш йўлида қўйилган биринчи қадам, турли хил суюқ тизимларда флуктуация тартиб параметрлари кинетикасини тавсифловчи универсал муносабат ва унинг ечими орқали флуктуация назарияси натижаларини янада қатъийроқ йўллар билан олиш ва ҳисоблашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида, сўнги йилларда, юқорида қайд этилган тадқиқот йўналишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан профессор С.З. Мирзаевнинг олиб борган тадқиқот натижалари асосида турли сувли

аралашмаларда критик температура яқинидаги релаксацион жараёнлар вақтларининг кечикиши билан боғлиқ янги ҳодиса аниқланган. Ҳозирги кунда сувли аралашмаларга турли ишқор галогенлар қўшиш билан содир бўладиган критик ҳодисалар ва молекулалараро ўзаро таъсир кинетикасини кенг частоталар соҳасида ички ўзаро таъсир механизмлари етарлича ўрганилмаган. Суюқликларнинг критик нуқта яқинидаги хусусиятларини аниқлашда шу каби тадқиқотлар ўта муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг имий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф2-42 «Наносуюқликларда кўчиш жараёнлари ва фазавий ўтишлар» (2017-2020) ва МУ-Ф3-2017101937 «Акустик спектроскопия ва ёруғликнинг динамик сочилиши ёрдамида нанофлюидларда кимёвий релаксацион жараёнларни тадқиқ қилиш» (2018-2019) илмий фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сувли эритмаларнинг иккинчи тур фазавий ўтиш яқинидаги акустик, реологик, динамик ҳамда кинетик параметрларини ва релаксацион жараёнлар хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суюқлик-суюқлик фазавий диаграммаси ва ишқорли галогенидларнинг фазавий диаграмма симметриклигига таъсирини тадқиқ қилиш;

сувли эритмаларда кичик частотали интервалда пастки ажралиш критик нуқтаси атрофида ультратовуш ютилиш коэффициентини ўлчашга мўлжалланган экспериментал қурилма ишлаб чиқиш;

критик кўрсаткичларни аниқлаш, ультратовуш ютилиш акустик спектрини тадқиқ қилиш ва уларни мавжуд назариялар орқали таҳлил қилиш;

релаксацион жараёнлар кинетик параметрларини аниқлаш;

критик системалар учун адиабатик боғланиш катталиклари қийматини аниқлаш ва критик таркибга эга бошқа сувли эритмалар билан солиштириш;

сувли эритма учун Бхаттачаржи-Феррелл назарий модели ёрдамида кинетик параметрларнинг температурага ва концентрацияга боғлиқликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида 2,6-диметилпиридин (2,6-ДМП, $(CH_3)_2C_5H_3N$) сувли эритмалари билан NaCl, NaBr, NaF, NaI, LiBr, KBr ишқорий галогенидлар танланган.

Тадқиқот предмети суюқ тизимларда молекулалараро ўзаро таъсирлашув жараёнлари, суқлик-суюқлик ажралиш критик нуқта яқинидаги критик ҳодисалар ва сувли эритмада релаксацион жараёнлардир.

Тадқиқот усуллари. Акустик спектроскопия усули, реология усули, ёруғликнинг динамик сочилиш усули, юқори аниқликдаги денситометрия, рефрактометрия ва потенциометрия усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик концентрацияли ишқор галогенидлар 2,6-диметилпиридин сувли аралашмасига қўшилганда корреляция узунлиги критик кўрсаткичи камайиши

аниқланган ва бундай камайиш критик флуктуацияларнинг сиқилишига олиб келиши туфайли юз бериши топилган;

2,6-диметилпиридин сувли аралашмасида ультратовуш ютилиш спектрининг 300 кГц ва 700 МГц частоталарда кузатилган релаксацион жараёнларни тадқиқ қилиш натижасида критик нуқта яқинида концентрация флуктуациялардан ташқари 2,6-диметилпиридин молекулаларининг тахланиш ва протонлар кўчиши билан боғлиқ протолиз жараёнлари мавжудлиги аниқланган;

сувли аралашмаларда содир бўладиган критик ҳодисаларни экспериментал тадқиқ қилиш орқали олинган масштаб функциянинг келтирилган частотага боғлиқлиги Бхаттачаржи - Феррелл назариясида келтирилган натижалар билан устма-уст тушиши топилган ва критик жараёнларни тавсифлашда ушбу назария мос келиши аниқланган;

критик таркибга эга сувли аралашманинг ультратовуш ютилиш амплитудаси ва тезлиги ҳамда солиштирма иссиқлик сиғими асосида ҳисобланган адиабатик боғловчи доимий қийматлари орқали ультратовуш ютилиш спектрида критик ташкил этувчи ҳаднинг кичик улуши мавжуд эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кичик частоталар соҳасида ва кенг температуралар диапазонида акустик параметрларни аниқлаш орқали биологик объектларни тадқиқ қилишга мўлжалланган, мавжуд резонатор камераларига нисбатан 5 марта кичик ҳажмга эга ультратовуш камераси яратилган;

фазаларга ажралувчи сувли аралашмаларнинг критик нуқта яқинида иссиқлик физикавий, оптик ва акустик хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида динамик масштаблаштириш назариясининг суюқ тизимларда мураккаб турдаги критик ҳодисаларни ўрганишда самарали тадбиқ қилиниши кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ёруғликнинг динамик сочилиши, акустик спектроскопия, реометрия ва денсиометрия каби замонавий экспериментал усулларни қўллаш орқали таъминланган. Асосий эътибор олинган натижаларининг такрорланишига, шу билан бирга илмий адабиётларда мавжуд маълумлотларга эга муаллифнинг оригинал тадқиқот натижалари билан солиштиришга қаратилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, фазаларга ажралувчи системалар тадқиқот натижалари фазавий ўтишлар молекуляр жараёнларининг кинетикаси ва механизмларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ўрганилаётган объектнинг тажриба орқали олинган акустик ва реологик параметрлари натижаларининг батафсил таҳлили суюқ ҳолатнинг замонавий назариясини яратишда тадбиқ этилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, кинетик параметрларнинг акустик маълумотлари бўйича тадқиқот натижалари аналитик кимёда тадбиқ қилиниши ва сувли эритмада релаксацион жараёнлар механизмларини тушунтириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишқорий галогенидлар қўшилган 2,6-диметилпиридин сувли аралашмасида фазавий ўтишлар яқинидаги критик ҳодисаларни ўрганиш асосида:

сувли эритмаларнинг фазавий ўтиш температураси яқинида солиштирма иссиқлик сиғимининг температурага боғлиқлик натижалари ва релаксацион жараёнларнинг кинетик параметрлари бўйича олинган натижалар 13-95320 UZB-BFDK15004A рақамли «Ўзбекистон шароитида қуёш иссиқлик электр станциясини хисоблаш ва моделлаштириш» лойиҳасида иссиқлик ташиш самарадорлигини ошириш учун оптимал концентрация танлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 25 июлдаги 2/1255-2047 – сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш иссиқлик сақловчи тизимларда суюқликларнинг фазавий ўзгариш жараёнларини олдини олиш ва қуёш иссиқлик қурилмаларининг ишлаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

2,6-диметилпиридин сувли аралашмасининг критик нуқта яқинида қовушқоқликнинг концентрацияга боғлиқлиги ва кенг температуралар интервалида юқори аниқликда ўлчанган диффузия коэффициенти бўйича олинган натижалар М/Узб-КНР-19/2015 рақамли «Иссиқлик ташувчи сифатидаги наносуқликларнинг физикавий хоссалари ва уларнинг паст потенциалли қуёш қурилмалари иссиқлик-техник тавсифларига таъсирини тадқиқ қилиш» лойиҳасида иссиқлик ва кинетик параметрларни аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 25 июлдаги 2/1255-2047 - сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қуёш иссиқлик қурилмалари иссиқлик хоссаларининг муҳим параметрларини юқори аниқликда ўлчаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Диссертация материаллари Георг–Август университети «Учинчи физика» институтининг (Германия) илмий семинарида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар 16 та илмий ишларда чоп этилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсиф этилган нашрлардаги 5 та мақолада чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация 38 та расм ва 6 та жадвални ўз ичига олади. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг асосий истиқболли йўналишлари билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилганлиги, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотларнинг шарҳлари келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг предмети ва усуллари, илмий аҳамияти, олинган натижаларнинг хақиқийлиги асосланган ва уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб

берилган, тадқиқотнинг қўлланилиши ва апробацияси тўғрисида қисқача маълумотлар келтирилган, бундан ташқари, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Критик ажралиш нуқтага эга суюқликлар хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича тажриба ва назарий тадқиқотларнинг шарҳи»** деб номланган биринчи бобида критик нуқтада фазаларга ажралувчи суюқликларнинг акустик ва реологик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича тажриба ҳамда назарий илмий ишлар шарҳлари келтирилган. Олиб борилган адабиётлар шарҳларидан диссертациянинг асосий вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Ажралувчи суюқликларнинг физик-кимёвий ва акустик хусусиятларини тадқиқ қилишнинг эксперимental усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ультратовушлар ютилишининг амплитудавий коэффициентлари, динамик қовушқоқлик ва ўзаро диффузия коэффициентини ўлчаш усули, тажриба қурилмаларининг тавсифи батафсил баён этилган. Суюқ системаларда содир бўлувчи релаксацион жараёнларни тадқиқ этишда акустик спектроскопия усули етарлича иформатив усуллардан бири ҳисобланади. Частоталари 0,1 МГц дан 20 МГц гача булган оралиқлардаги ультратовушларнинг ютилиши ва тарқалишини ўрганиш бўйича ўлчашлар резонанс усули ёрдамида амалга оширилди. Бу усул цилиндрик резонаторда турғун тўлқинлар параметрларидан фойдаланишга асосланган бўлиб, у суюқликларда нисбий ютилиш коэффициенти ва тарқалиш тезликларини характеристик резонанс пикларнинг кенглиги бўйича аниқлаш имконини беради. 1-расмда тажриба қурилмасининг блок-схемаси келтирилган.




1-расм. Суюқликларнинг акустик параметрларини ўлчаш қурилмасининг блок схемаси

Ғалаёнлантирувчи пьезоўзгартиргич (*x* кесимли пьезокварц) частоталарини кичик қадамлар билан бошқариш имконини берувчи анализатор 1 га уланган. Резонаторнинг характеристик f_n частоталарига мос келувчи маълум частоталарда системада турғун тўлқинлар юзага келади.

Бу частоталарда қабул қилувчи пьезоўзгартиргич электродларида кучайишдан кейин бошқарилучи кучайтиргич 4 да ўлчанувчи ёки HP E5100B анализатор экранида кузатилувчи аниқ кучланиш пиклари олинади. Частоталари 20 МГц дан 1000 МГц гача бўлган соҳада ультратовушларнинг ютилиш коэффициентини аниқлаш учун стандарт импульс усулидан фойдалинилган. Бунда пьезопластинкалар тескари алмаштирилган у-кесимли ва 7 МГц резонанс частотага, ҳамда 10 мм диаметрли пьезокварцдан тайёрланган. Ультратовушларни қабул қилувчи сифатида HP E5100B анализаторидан фойдаланилди.

Сувли аралашмалар кинематик қовушқоқликлари Уббелоде шиша капиляр визсозиметри ёрдамида ўлчанган. Уббелоде шиша капиляри бир учи *U*-симон шиши идиш ҳисобланади. Капиляр вискозиметр шиша цилиндрда айланувчи суюқлик билан термостатга жойлаштирилган ва ўз навбатида у термостатик қобиққа жойлаштирилган. Намуналарининг температуралари ± 0,02 К аниқликгача бўлган қийматларда назорат қилиб борилди. Температура юқори аниқликдаги Pt-100 ва NTC термометрлар ёрдамида ўлчанган.




2-расм. ALV 5000/E фотон корреляцион спектрометрининг схемаси

Критик таркибга эга эритманинг диффузия коэффициенти 2-расмда келтирилган фотон корреляцион спектроскопия (ФКС) - ёруғликнинг динамик сочилиши усули ёрдамида аниқланган. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, бунда намунанинг тадқиқ қилинаётган соҳасидан сочилган нур фотоқабул қилгичнинг майдони бўйича квадратик фотокатодга йўналтирилади. Бунда, катодда, тушувчи нурланиш спектри турли частотавий ташкил этувчилари орасида тебранишлар юзага келади. Суюқликларда муаллақ турган дисперс

заррачаларнинг ҳаракатларида ҳар доим браун иссиқлик ҳаракатлари мавжуд бўлади. ФКС усулининг асосий ғоясини қуйидагича ифодалаш мумкин: суюқликларда дисперс заррачалар ёки макромолекулалар браун ҳаракатлари, заррачалар концентрациясининг локал флуктуациясига олиб келади. Ўз навбатида бу характеристик вақт рақамли коррелятор ёрдамида ўлчанаётган сочилган ёруғлик интенсивлиги флуктуацияси вақтий корреляцион экспоненционал функциянинг сўниш вақти ҳисобланади. Бунинг натижасида эса синдириш кўрсаткичининг локал бир жинсли бўлмаслиги ва мос равишда бундай муҳит орқали лазер нурланишининг тарқалишида сочилган нурланиш интенсивлиги флуктуацияси юзага келади. Заррачанинг диффузия коэффициенти сочилган ёруғлик интенсивлиги флуктуациясини тавсифловчи релаксация вақтига тескари пропорционал.

Ҳар бир танланган сочилиш бурчаги учун сочилган ёруғликнинг автокорреляцион функцияси мавжуд рақамли корреляцион харита орқали аниқланади. Бу 288 каналдан иборат харита характеристик вақтни $2 \cdot 10^{-7}$ ва $3{,}4 \cdot 10^{3}$ сек вақтлар оралиқлари учун ҳақиқий вақтни ўлчаш имкониятини яратади. Тадқиқотларда тўлқин узунлиги 532 нм бўлган лазердан ҳамда фазовий юқори ажрата олиш қобилиятига эришиш, қабул қилишда флуорецент чақнашни бартараф қилиш, шунингдек, суюқликларда ориентацион корреляция улушини камайтириш учун одатий қурилмадан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Сувли 2,6-диметилпиридин эритмасининг акустик ва реологик хусусиятларини экспериментал тадқиқ этиш**» деб номланган учинчи бобида критик температура яқинида фазаларга ажралувчи сувли эритмаларнинг реология ва автокорреляцион спектроскопияси, акустик спектроскопия усуллари билан тадқиқ қилинган тажриба натижалари келтирилган ва олинган натижалар таҳлил қилинган. 3-расмда 2,6-ДМПнинг 0,1 дан 0,5 гача бўлган масса улушли концентрацияларда система фазавий диаграммаси келтирилган. 2,6-ДМП-сув системасининг фазавий даграммасини тадқиқ қилиш учун LAUDA термостати, юқори аниқликдаги PT-100, Julabo ва NTC термометрларидан ҳамда, бундан ташқари, Hg-термометридан фойдаланилган.




3-расм. 2,6-ДМП сувли эритманинг фазавий диаграммаси

Дастлаб, шаффоф сувли аралашманинг температураси критик нуқтага яқинлашиши билан шаффоф бўлмаган суюқликка айлана бошлайди. Ундан кейин суюқлик турли ҳажмга эга бўлган икки фазага ажралади. Суюқликнинг температураси критик нуқтага яқинлашганда эса аралмашма ҳажмлари бир хил бўлган иккита фазага тўлиқ ажралади. Янги фазаларни аниқлаш, эритмада суюқлик-суюқлик ажарилиш чегараси ҳосил бўлиш орқали визуал олиб борилди ва бунда бир хил ҳажмлар мезонидан фойдаланилди. Айнан шу вақтда критик температуранинг қиймати қайд этилади. Расмдан кўринадики, фазага ажралиш температуралари 2,6-ДМПнинг концентрациясига кучли боғлиқ ва $Y_{2,6-\text{ДМП}} = 0{,}29$ (критик таркиб) концентрацияда ўзининг минимимум қийматига эришади ва критик температура 307,05 К эканлиги аниқланди. Бу температура пастки (қуйи) критик ажралиш температураси дейилдаи.

4-расмда критик таркибга эга 2,6-ДМП-H_2O аралашмасида 298 К ва T_c критик температураларда ультратовушнинг частотавий нормаллаштирилган ютилиш спектри келтирилган. Критик температурада ультратовуш тўлқинларининг частотавий нормаллаштирилган ютилиш спектрлари Бхаттачарджи-Феррелл назарияси бўйича таҳлил этилди ва дифференциал сканерловчи калориметр ёрдамида аниқланган $\alpha_0 = 0{,}11$ қиймати орқали критик кўрсаткич 0,06 га тенг эканлиги аниқланди.

Тадқиқ қилинган частоталар соҳаларида релаксацион жараёнлар билан боғлиқ бўлган ютилишнинг частота ортиши билан камайиши иккита спектр ҳолида берилган. Турли температурлар учун келтирилган ютилиш спектралари катта частоталар соҳаларида бир-бири билан устма-уст тушган, бунда келтирилган α/f^2 натижалар паст частоталар соҳаларида T_c температурада 298 К температурадагига қараганда катта бўлиши кўрсатилди. Бу ўзига хослик критик ютилиш спектрида локал флуктуация концентрация билан боғлиқ ҳадга эга бўлгандаги ультратовуш ютилиш спектрлари учун мос келади.



4-расм. Критик таркибга эга 2,6-ДМП - H_2O аралашмасида 298 К (○) ва критик температурада (●) ультратовуш частотавий нормаллаштирилган ютилиш спектри

Ютилиш спектрларини таҳлил қилиш учун ночизиқли регрессион энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилди. Бу усул келтирилган ўзгарувчиларни минимал даражага келтиради. Температуранинг $(T - T_c)$ ўзгаришларида спектрнинг параметрлари 1-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўринадики, критик нуқта яқинида τ_1 релаксация вақти сезиларли даражада катта қийматга ортади. Температура критик нуқтага яқинлашганда B параметрнинг камайиши ютилиш спектри юқори частотали қисмининг қовушқоқликка боғлиқлигини тавсифлайди.

1-жадвал

Критик таркибга эга 2,6-ДМП - H_2O аралашманинг ультратовуш спектридаги акустик параметрлари

T - T_c, К	$A \pm 0{,}4$ (10^{-3})	$\tau_1 \pm 0{,}1$, (нс)	$B \pm 1$ (пс)
8,4	9,6	79,6	70,3
2,4	9,6	106,1	70,4
1,4	8,4	132,8	65,8
0,8	9,6	158,4	63,5
0,2	12,1	201,7	62
0,02	12,1	530,5	62

Критик температура яқинида, ютилиш, спектрида α/f^2 уринмаси $S = (3{,}97 \pm 0{,}01) \cdot 10^{-6}$ с$^{-0{,}94}$ м$^{-1}$ тўғри чизиқда жойлашади. Бу уринма қуйидаги муносабат орқали Бхаттачарджи–Феррелл назарий моделида келтирилган адиабатик боғловчи доимий $|g|$ нинг қийматларини аниқлаш имконини беради:


$$|g| = \frac{C_{pb}}{\pi}\left[\frac{2T_c\alpha_0 S}{\delta A^+ u(T_c)}\right]^{1/2}\left[\frac{2\pi}{\Omega_{1/2}\Gamma_0}\right]^{\delta/2} \quad (1)$$

Бу ерда C_{pb} ва A^+/α_0 – мос равишда иссиқлик сиғимининг фон қисми ва сингуляр қисмининг амплитудаси, C_p – доимий босим учун иссиқлик сиғими бўлиб, у қуйидаги муносабат орқали аниқланади:

$$C_p = \frac{A^+}{\alpha_0}\varepsilon^{-\alpha_0} + C_{pb} \quad (2)$$


Тадқиқотларда олинган $A^+/\alpha_0 = 0{,}26$ Дж/(г $\cdot K$), $C_{pb} = 3{,}46$ Дж/(г $\cdot K$), $u_s(T_c) = 1567$ м/с натижалар қийматлардан фойдаланиб, $|g| = 0{,}17$ қиймати олинди. 2,6-ДМП - H_2O критик системанинг адиабатик боғловчи катталиги бошқа қутбли ташкил этувчиларга эга критик аралашмалардан кичик. Масалан, изомойли кислота – сув аралашма учун 2,1 ва нитрат этиламоний-сув системаси учун 1,3 қийматга тенг. Бу заиф боғланиш ютилиш спектрида критик ташкил этувчларнинг нисбатан катта бўлмаган улушларига олиб келади.

Ютилиш спектрида нокртиик дебай релаксацион улуши критик таркибга эга аралашма учун $2{,}6 - \text{ДМП} + H_2O \leftrightarrows (2{,}6 - \text{ДМП})H^+ + OH^-$ протолиз мувозанат жараёнини ифодалайди. Бу улуш нокритик таркибли аралашма учун 298 К ҳароратда келтирилган ультратовуш ютилиш спектрида мавжуд ва у 5-расмда келтирилган (узлукли чизиқ – дебай релаксацион ҳадлар улушлари).




5-расм. 2,6-ДМП - H_2O аралмашма учун $T_c - T$ = 0,3 К (○), $Y_{2,6\text{-ДМП}}$=0,148 учун 298 К (●) да ультратовуш ютилиш коэффициенти

Диссертациянинг «**Ишқор галогенли 2,6-диметилпиридин сувли эритмасининг акустик ва реологик хусусиятларини экспериментал тадқиқ этиш**» деб номланган тўртинчи бобида критик нуқта яқинида кичик миқдордаги ишқор галогенлар қўшилган ажралувчи сувли аралашмаларда олиб борилган тажрибавий тадқиқот натижалар ҳамда улардан олинган натижалар таҳлили келтирилган. 6 ва 7 - расмларда ишқор галогенид қўшимчали 2,6-ДМП сувли эритманинг акустик, реологик ва автокорреляцион спектроскопияси масса улушлари 0,1 – 0,7 концентрацияларида фазавий диаграммаси келтирилган. Расмлардан кўринадики, сувли 2,6-ДМП эритмага ишқор галогенлар қўшилиши натижасида система фазавий диаграммаси симметриклиги бузилади ва NaBr нинг 1,5 % ва 3 % эга концентрацияларида пастки критик ажралиш нуқтаси 2,6-ДМПнинг катта концентрация соҳалари томон силжийди, критик температура эса камайади.



6-расм. 2,6-ДМП сувли эритманинг фазавий диаграммаси; 1 - соф эритма, 2 - 0,3%, 3 - 0,4%, 4 - 0,5% NaCl




7-расм. 2,6-ДМП сувли эритманинг фазавий диаграммаси: 1 - соф эритма, 2 - 0,5%, 3 - 1,5%, 4 - 3 % NaBr

10-расмда критик ва нокритик таркибга эга 2,6-ДМП сувли эритмасида орттирма ультратовуш ютилиш коэффициентининг частотага боғлиқлик графиги келтирилган. Орттирма ультратовуш ютилиш коэффициентининг тўлқин узунлигига кўпайтмаси қуйидагича ифодаланади:

$$(\alpha\lambda)_{\text{орт}} = \alpha\lambda - B \qquad (3)$$

бу ерда λ – тўлқин узунлиги, B – ультратовуш ютилиш коэффициентининг частотага боғлиқ бўлмаган қисми. Расмдан кўриш мумкинки, нокритик таркибга эга 2,6-ДМП сувли эритманинг (8-расм; ●) ультратовуш ютилиш спектрида дискрет релаксация вақтига эга бўлган иккита ёрқин ифодаланган дебай релаксацион максимумлари кузатилган. Кичик частоталар интервалида ютилиш спектридаги дебай релаксацион ҳадларнинг релаксация вақтлари ёрдамида Эйринг муносабати орқали термодинамик катталик – энтальпия аниқланган. Энтальпиянинг аниқланган қиймати +5,5 ккал/моль га тенг. Кичик частотлар диапазонида тахланиш эффекти, яъни 2,6-ДМП молекулалари ҳалқалари орасидаги ковалент бўлмаган ўзаро таъсир жараёни мавжуд деган хулосага келинди. Юқори частотлар диапазонида ҳам уьлтратовуш ютилиш спектрининг дебай релаксацион ҳад мавжудлиги кузатилди (8-расм; ●) ва бу релаксацион жараённинг релаксация вақти наносекунддан ҳам кам эканлиги аниқланди. Бу эса нокритик таркибга эга сувли 2,6-ДМП эритмасида протонлар кўчиши билан боғлиқ (протолиз) жуда тез жараён содир бўлишини англатади. Критик таркибга эга 2,6-ДМП сувли эритмасида (8-расм; ∇) тахланиш эффекти жараёнини акс эттирувчи паст частотали дебай релаксацион ҳад йўқолади. Бироқ критик нуқта яқинида ультратовуш ютилишининг паст частотали дебай релаксацион ҳади яна пайдо бўлади ва орттирма ютилиш максимумининг кенглиги кенгайади, шунингдек, релаксация частотаси кичик частоталар соҳаси томон силжийди (8-расм; ○).



8-расм. Критик таркибга эга 2,6-ДМП- H_2O эритмада ультратов орттирма ютилиш коэффициентининг частотага боғлиқлиги: $\Delta T = T_c - T = 0{,}3\ K$ (○) , $\Delta T = 8{,}4\ K$ (∇) , NaOH билан (▲) ва T = 298 К температурада (●) нокритик таркибли 2,6-ДМП-H_2O эритма учун ($Y_{\text{2,6-ДМП}}$ = 0,148)

2,6-ДМП нинг сувли эритмасида критик нуқта яқинида пайдо бўлган молекулаларнинг тахланиш эффект ва протолиз жараёнлар критик локал концентрация флуктуациялар ўсиши ва ривожланишига тўсқинлик қилиши аниқланди.

Орттирма ультратовуш ютилиши абсолют қийматининг критик куқта яқинида ортишини қовушқоқликнинг ошиши орқали тушунтириш мумкин.

Қовушқоқлик ва диффузия коффициентлари қийматларидан фойдаланиб қовушқоқлик учун – y_η, ўзаро диффузия коэффициенти учун – ν^*, корреляция радиуси учун – ν, шунингдек, релаксация тезлиги учун – $\tilde{\nu}$ критик кўрсаткичлар қийматлари аниқланди (2-жадвал). Критик кўрсаткич универсал характерга эга, яъни суюқликларнинг хусусиятига боғлиқ бўлмаган катталик сифатида қабул қилинган эди. Сувли эритмага ишқор галогенлар қўшилганда критик кўрсатгич қийматлари ўзгариши аниқланди ва бу учунчи компонентнинг концентрациясига боғлиқ равишда сувли эритмаларнинг умумий ўзаро таъсир табиати ўзгаришини кўрсатади.

2-жадвал

Таркибида ишқорий галогенидлар мавжуд бўлган 2,6-ДМП сувли аралашмаларининг критик кўрсаткичлари y_η, ν^*, ν, Z_η, $\tilde{\nu}$ ва синдириш кўсаткичи n қийматлари

ИГ	$\mathbf{Y_{иг}}$	$\mathbf{Y_{2,6\text{-ДМП,с}}}$	**n**	y_η	ν^*	ν	Z_η	$\tilde{\nu}$	**pH**
	0	0,29	1,407	0,044	0,66	0,62	0,071	1,90	9,73
NaF	0,005	0,28	1,393	0,039	0,57	0,53	0,074	1,73	10,64
NaCl	0,003	0,30	1,391	0,045	0,6	0,55	0,082	1,92	9,49
	0,004	0,28	1,387	0,044	0,58	0,54	0,081	1,71	9,32
	0,005	0,28	1,381	0,042	0,53	0,49	0,086	1,76	9,44
NaBr	0,005	0,29	1,419	0,049	0,53	0,48	0,102	1,74	9,74
	0,1	0,28	1,389	0,053	0,52	0,47	0,113	1,79	9,23
	0,015	0,35	1,404	0,035	0,49	0,45	0,078	1,77	9,61
	0,03	0,38	1,390	0,029	0,48	0,45	0,064	1,74	9,65
NaI	0,005	0,29	1,389	0,052	0,60	0,55	0,095	1,85	10
	0,01	0,28	1,388	0,059	0,58	0,52	0,113	1,62	9,76
LiBr	0,01	0,28	1,389	0,043	0,58	0,54	0,080	2,07	9,63
KBr	0,01	0,28	1,389	0,044	0,61	0,57	0,078	1,82	9,36

ХУЛОСА

1. Сувли эритмаларда пастки критик ажралиш нуқтаси яқинида кичик 1 МГц ÷ 10 МГц частоталар соҳаларида критик ультратовушлар ютилишини ўлчаш имконини берувчи ультратовуш камераси йиғилди.

2. Бхаттачаржи – Феррелл назарий модели асосида ультратовушлар ютилишини систематик ўрганиш натижасида 2,6-ДМП сувли эритмаси учун кинетик параметрларнинг (релаксация вақти, динамик қовушқоқлик ва диффузия коэффициенти) температурага ва концентрацияга боғлиқлиги олинди.

3. Биринчи марта критик таркибга эга 2,6-ДМП сувли эритмасида паскти критик суюқлик-суюқлик ажралиш нуқтасида концентрация флуктуация-ларининг ривожланиши ҳамда ўсишига тўсқинлик қилувчи молекулаларнинг тахланиш эффекти ва протолиз факторлари мавжуд эканлиги аниқланди.

4. Критик таркибга эга 2,6-ДМП сувли эритмаси учун адиабатик боғловчи доимий $|g|$ нинг киймати, бошқа критик аралашмаларнинг адиабатик боғловчи доимий қиймати билан солиштирганда тахминан 15 марта кичик эканлиги ва бу заиф боғланиш 2,6-ДМП сувли эритманинг ультратовуш ютилиш спектрида критик ташкил этувчининг нисбатан унча катта бўлмаган улушига олиб келиши аниқланди.

5. Ультратовуш ютилиш коэффициенти орқали сувли эритмаларда критик нуқта яқинидаги критик жараёнларни тавсифлаш учун Бхаттачаржи – Феррелл назарий модели мос келиши топилди.

6. Ишқорий галогенидларнинг катта концентрацияларида ($Y_{ИГ} > 0{,}01$) корреляция узунлигининг критик кўрсаткичи ишқор галогенидлар концентрацияси ортиши билан ўзгармаслиги, эритмада ишқорий гаолгенидларнинг кичик кийматлардаги концентрацияларида эса ($Y_{ИГ} < 0{,}01$) корреляция узунлиги критик кўрсаткичининг барча қийматлари таркибида ишқор галогенид мавжуд бўлмаган 2,6-ДМП - H_2O аралашманинг критик кўрсаткичидан кичик эканлиги аниқланди. Корреляция узунлиги критик кўрчаткич қийматларининг бундай камайиши критик флуктуациялар сиқилишига олиб келиши асосланди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ИНСТИТУТ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ЭГАМБЕРДИЕВ КАМОЛАДДИН БАХОДИРОВИЧ

КРИТИЧЕСКИЕ ЯВЛЕНИЯ ВБЛИЗИ ФАЗОВЫХ ПЕРЕХОДОВ В СИСТЕМЕ 2,6-ДИМЕТИЛПИРИДИН – ВОДА С ЩЕЛОЧНЫМИ ГАЛОГЕНИДАМИ

01.04.03 – Молекулярная физика и теплофизика

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.PhD/FM128.

Диссертация выполнена в Институте ионно-плазменных и лазерных технологий.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.iplt.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Мирзаев Сирожиддин Зайниевич** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Отажонов Шавкат** доктор физико-математических наук, профессор
	Клычев Шавкат Исхакович доктор технических наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	**Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___»_____2019 г. в ___часов на заседании Научного совета DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 при Институте ионно-плазменных и лазерных технологий по адресу: 100125, г.Ташкент, ул.Дурмон йули, 33. Тел./Факс: (+99871) 262-32-54, e-mail:info@iplt.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ионно-плазменных и лазерных технологий (зарегистрирована за № ___), по адресу: 100125, г.Ташкент, ул.Дурмон йули, 33. Тел.: (+99871) 262-31-69.

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки _____ от «____»_____ 2019 года).

Х.Б. Ашуров
председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Д.Т. Усманов
учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

С.А. Бахрамов
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.ф.-м.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время, во всем мире уделяется особое внимание решению фундаментальных и прикладных проблем, связанных с фазовыми переходами и критическими явлениями наблюдаемых в комплексных жидкостях, которые широко применяются в интенсивно развивающихся направлениях нанотехнологии, био-инженерии, медицины и фармацевтики. Получение многофункциональные супрамолекулярных структур, служить решения научных проблем позволяющие в медицине от целевой доставки лекарственных средств в живых организмах до возможности управления сложными нано устройствами. Периодические изменения давления и температуры в акустических полях, а также их влияние на флуктуации концентрации позволяют исследовать динамические критические явления. Изучение кинетики релаксационных процессов, связанных с возникновением, ростом и распадом спонтанным образом возникающих структур вблизи критических точек является актуальными задачами теплофизики и молекулярной физики многокомпонентных растворов.

На сегодняшний день в мире при изучении жидкого состояния вещества уделяется большое внимание исследованию кинетики сверх быстрых физических и химических процессов в жидкой фазе, имеющее весьма важное научное и практическое значение. В некоторых случаях ультразвуковые исследования оказываются единственным методом, позволяющим определить кинетические и термодинамические параметры процессов. Однако, для получения подробных научных данных о кинетике изучаемых процессов требуется изучение распространения акустических волн в достаточно широком диапазоне частот и температур. До сих пор эти исследования во многих случаях проводились в небольших частотных диапазонах и в узких пределах температур. Эти научные проблемы являются приоритетными для понимания механизма критических явлений в жидких растворах и создания общей картины критических явлений вблизи фазовых переходов второго рода в водном растворе.

В Республике Узбекистан в последнее время, усилилось внимание к актуальным направлениям в области науки, имеющим прикладное значение, в частности накоплению новых научных данных по структуре жидких систем и выявлению основных закономерностей образования структур, определению новых явлений связанных с существенным замедлением времени релаксации образования и распада молекулярных ассоциатов вблизи критической точки. Направления этих фундаментальных исследований и разработок, имеющих большое значение для развития науки нашей страны и их практического применения, отражены в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы[1].

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии

[1] Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07 февраля 2017 г.

действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года и в Постановлении №ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организаций, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан - .II. «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение».

Степень изученности проблемы. Проведены ряд важнейших научных исследований в различных зарубежных научных центрах, в том числе были проведены исследовании по кинетике релаксационных процессов в водных растворах, исследованы акустические и реологические свойства водных растворов в окрестностях критических точек. Наиболее значительные результаты в указанной области были достигнуты зарубежными учеными, например, российскими (М.А.Анисимов, Ю.С.Манучаров, И.Г.Михайлов, М.И. Шахпаронов, А.З. Паташинский, Ю.П. Соловьев, М.Ф. Вукс), немецкими (Ф. Эггерс, У.Шрайбер, У.Каатце, Х. Вайнгартнер, В. Шроер, Х. Климаер), американскими (Х.Е. Стенли, Ж. Якобс, Ж.В. Сенгерс, К.Ж. Вилсон, К.Д. Коллинс, Р.А. Феррелл), японскими (К. Кавасаки, К. Хумано, И. Митсушима, К. Кубота, Х. Танака, О. Онуки), индийскими (Ж.К. Бхаттачаржи, А. Кумар, Р. Чандрасекхар, Н. Нарайан) и учеными нашей страны (П.К.Хабибуллаев, С.З.Мирзаев, М.Г.Халиулин).

